

**THEORETICAL, LEGAL BASIS OF AGGRAVATING CIRCUMSTANCES IN CRIMINAL LAW AND
ISSUES OF ITS IMPROVEMENT**

Gapparov Sohijjon Shokhidinovich
Researcher, Academy of Law Enforcement

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ЖАЗОНИ ОҒИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ, ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Ғаппаров Соҳибжон Шовҳидинович
Ҳуқуқини муҳофаза қилиш академияси тадқиқотчиси

Аннотация:

Мазкур мақолада жиноят ҳуқуқида жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг тарихий илдизлари, назарий-ҳуқуқий асослари ва уларни замонавий таҳдидлар ҳамда талаблар асосида такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Тадқиқот давомида “Авесто” ва ислом ҳуқуқидаги (фикҳ) жазони индивидуаллаштириш мезонлари, Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг ҳуқуқий табиати, уларни қўллашдаги муаммолар ва хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жиноят ҳуқуқи, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар, жазони индивидуаллаштириш, мутаносиблик принципи, рецидив, Авесто ҳуқуқи, ислом ҳуқуқи (фикҳ), халқаро жиноят қонунчилиги.

Аннотация:

В данной статье исследуются исторические корни и теоретико-правовые основы обстоятельств, отягчающих наказание в уголовном праве, а также вопросы их совершенствования с учетом современных вызовов и требований. В ходе исследования проанализированы критерии индивидуализации наказания в «Авесте» и исламском праве (фикх), правовая природа отягчающих обстоятельств в уголовном законодательстве Республики Узбекистан, проблемы их практического применения, а также соответствующий опыт зарубежных стран.

Ключевые слова: уголовное право, обстоятельства, отягчающие наказание, индивидуализация наказания, принцип соразмерности, рецидив, право Авесты, исламское право (фикх), международное уголовное законодательство.

Abstract:

This article examines the historical roots and the theoretical and legal foundations of aggravating circumstances in criminal law, as well as the issues surrounding their improvement in light of contemporary threats and requirements. The study analyzes the criteria for the individualization of punishment in the Avesta and Islamic jurisprudence (fiqh), the legal nature of aggravating circumstances within the criminal law of the Republic of Uzbekistan, the practical challenges in their application, and relevant experiences from foreign jurisdictions.

Keywords: criminal law, aggravating circumstances, individualization of punishment, principle of proportionality, recidivism, Avestan law, Islamic jurisprudence (fiqh), international criminal legislation.

Қадимги Шарқ халқлари, жумладан, Марказий Осиё аждодларининг энг қадимги ёзма манбаси бўлган “Авесто” нафақат диний эътиқодлар, балки мураккаб ҳуқуқий тизим асосларини ҳам ўзида мужассам этган. Зардуштийлик таълимоти оламни Икки ибтидо – Аша (Ҳақиқат, ёруғлик, тартиб) ва Дружи (Ёлғон, зулмат, хаос) ўртасидаги кураш сифатида талқин қилади. Шу сабабли, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар шунчаки жамиятга эмас, балки коинот тартиботига (Ашага) қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар сифатида баҳоланган.

“Авесто”нинг сақланиб қолган қисмлари орасида ҳуқуқий нормалар энг кўп акс этган китоб бу – “Видевдат” (Девларга қарши қонун) ҳисобланади. Ушбу манбани ўрганиш шуни кўрсатадики, қадимги ҳуқуқшуносликда жазо тайинлашда жиноятнинг объектив ва субъектив томонлари, айниқса, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқ белгилаб берилган.

“Авесто” китоби, хусусан, унинг “Видевдат” наски таҳлили шуни кўрсатадики, милоддан аввалги I минг йилликлардаёқ Марказий Осиё ҳудудида жиноят ва жазонинг мураккаб ҳуқуқий институти шаклланган. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар тасодифий эмас, балки ўша даврнинг диний-фалсафий (Аша ва Дружи кураши) ҳамда ижтимоий (шартномавий муносабатларнинг муҳимлиги) қарашларига асосланган.

Қасдданлик, рецидив, муқаддас қадриятларни топташ ва ожизларга нисбатан қилинган зўравонликнинг оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланиши – “Авесто” қонунчилигининг нафақат жазоловчи, балки жамиятда ахлоқий тартибни сақловчи ва тарбиявий функцияни бажарганидан далолат беради. Бу эса инсоният ҳуқуқий тафаккури тарихида минтақамизнинг ўрни нечоғлик катта эканлигини тасдиқлайди.

“Авесто” қонунчилигида жазо асосан қамчи билан дарра уриш, жарима тўлаш, тавба қилиш ва энг оғир ҳолатларда ўлим жазоси билан белгиланган. Жиноятнинг оғирлигини ва мос равишда жазо миқдорини оширувчи (дарралар сонини кўпайтирувчи) қуйидаги асосий ҳолатлар мавжуд бўлган:

1. Жиноятнинг такроран содир этилиши (Рецидив);

Замонавий жиноят ҳуқуқидаги каби, “Авесто”да ҳам жиноятни бир неча бор содир этиш жазони кескин оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланган. “Видевдат” матнларида бир турдаги гуноҳни биринчи, иккинчи, учинчи ва ундан кейинги марта содир этганлик учун жазо муттасил ошириши белгиланган.

Мисол учун, агар шахс биринчи марта итга ёки одамга зарар етказса, маълум миқдорда (масалан, 5-10 та) дарра урилган. Агар бу ҳолат такрорланса, дарралар сони геометрик прогрессияда ўсиб, 200 дан 1000 тагача етган. 200 ва ундан ортиқ дарра уриш амалда ўлим жазосига тенглаштирилган.

2. Муқаддас унсурларни қасддан булғаш;

Зардуштийликда олов, сув, тупроқ ва ҳаво муқаддас ҳисобланган. Уларни ўлимтик (насу) ёки бошқа нопок нарсалар билан ифлослантириш энг оғир жиноят саналган.

Оғирлаштирувчи омил сифатида, агар шахс эҳтиётсизлик оқибатида эмас, балки қасддан (била туриб) олов ёки сувга ўлимтик ташласа, бу кечирилмас гуноҳ (пешотану) ҳисобланган. Бундай жиноят учун жазо муқаррар ўлим бўлган ва бутун жамият бундай жиноятчини дарҳол йўқ қилишга мажбур эди.

3. Аҳдга вафосизлик (Михр-дружи) кўлами

Қадимги эроний ва туроний халқларда шартнома ва берилган сўз – Митра (Михр) муқаддас саналган. Шартномани бузиш жазони талаб қилувчи оғир жиноят эди. Бироқ, жазони оғирлаштирувчи асосий мезон – шартноманинг кўлами ва жабрланувчиларнинг сони бўлган. Мисол учун, оғзаки сўзни бузганлик учун – 300 дарра, кўл бериб келишилган аҳдни бузганлик учун – 600 дарра урилган. Оила аъзолари ўртасидаги аҳдни бузишдан кўра, бутун бир қишлоқ ёки вилоят (мамлакат) билан тузилган шартномани бузиш мисли кўрилмаган даражада оғирлаштирувчи ҳолат саналган ва 1000 даррагача жазоланган.

4. Жабрланувчининг мақоми ва ҳолати

“Авесто” ҳуқуқида кимга нисбатан жиноят содир этилгани жазони тайинлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Қоида тариқасида, ожизларга ёки диний жиҳатдан муқаддас саналган мавжудотларга зарар етказиш жазони кескин оғирлаштирган.

Ҳомиладорлик ҳолати: ҳомиладор аёлга ёки ҳатто ҳомиладор итга (Зардуштийликда ит энг ҳурматли жониворлардан бири бўлган) зиён етказиш, уларни кўрқитиш ёки керакли ёрдамни кўрсатмаслик оддий қотилликдан кўра оғирроқ жазоланган.

Руҳонийлар ва одил инсонлар: Зардушт динига эътиқод қилувчи одил инсонга (ашаван) ёки дин пешвосига суиқасд қилиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида талқин қилинган.

5. Жиноятни яшириш ва ёлғон гувоҳлик бериш

Ёлғон гапириш Дружи (Ёвузлик руҳи)нинг асосий қуроли ҳисобланган. Шу сабабли, содир этилган жиноятни тан олмаслик, судда (ордалия жараёнларида) ёлғон кўрсатма бериш ёки ҳақиқатни яшириш асосий жиноятга қўшимча равишда жазони оғирлаштирувчи мустақил ва ўта оғир ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланган.

Жиноят ва жазо тарихини ўрганишда анъанавий ҳуқуқ тизимлари, хусусан, ислом ҳуқуқи (фиқҳ) муҳим ўрин тутди. Замонавий жиноят ҳуқуқида адолат ва инсонпарварлик тамойилларини таъминлаш мақсадида жазони индивидуаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараёнда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар институти марказий рол ўйнайди. Ислом ҳуқуқида ҳам жазонинг адолатли бўлиши ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мутаносиблигини таъминлаш мақсадида бир қатор оғирлаштирувчи омиллар (араб. зуруф ал-мушаддида) ишлаб чиқилган.

Ислом жиноят ҳуқуқида жиноятлар учун белгиланган жазолар асосан **уч гуруҳга** бўлинади: **ҳудуд** (Қуръон ва Суннатда қатъий белгиланган жазолар), **қисос** (тенгма-тенг жазо ёки товон пули) ва **таъзир** (шариатда қатъий белгиланмаган, судянинг (қозининг) ихтиёрига қолдирилган жазолар).

Жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар асосан таъзир туркумидаги жиноятларда кенг қўлланилади. Чунки таъзирнинг асосий мақсади — айбдорни тарбиялаш (таъдиб) ва жамиятни ҳимоя қилишдир (зажр). Қози жиноятнинг хусусияти ва айбдорнинг

шахсига қараб, жазони энг энгил танбехдан тортиб, то озодликдан маҳрум қилиш ёки ундан-да оғирроқ турларигача кучайтириши мумкин бўлган.

Ислом фикҳида жазо меъёрини кучайтирувчи ҳолатларни қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Замон ва маконга оид ҳолатлар – бунда жиноят содир этилган вақт ва жой унинг ижтимоий ва маънавий хавфлилигини ошириши мумкин. **Маконий омил** сифатида Ҳарам ҳудуди: Макка ва Мадина шаҳарларининг муқаддас (Ҳарам) ҳудудларида қилинган жиноятларнинг гуноҳи ва жазоси оғирроқдир. Масжидлар, ибодатгоҳларда, айниқса, Масжидул Ҳарам, Масжиди Набавий ва Масжидул Ақсода тартиббузарлик ёки жиноят қилиш жазони кескин оғирлаштирган. Бу муқаддас даргоҳларнинг ҳурматини топташ сифатида талқин қилинган.

Замоний омиллар эса, ҳаром қилинган ойларида (Муҳаррам, Ражаб, Зулқаъда, Зулҳижжа) ёки Рамазон ойида жиноят содир этиш жазонинг оғирлашишига сабаб бўлган. Рамазон ойи рўзадорлик ва тоат-ибодат ойида жиноят содир этиш муқаддас вақтнинг ҳурматини топташ ҳисобланган ва жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланган. Ибн Таймийя таъкидлаганидек, «муқаддас замон ва макондаги гуноҳлар ўша макон ва замоннинг фазилатига қараб жазони оғирлаштиришни тақозо этади».

2. Жиноятчининг шахси ва ҳолатига оид омиллар

Рецидив – такроран жиноят содир этиш. Ислом ҳуқуқида шахснинг доимий равишда қонунбузарлик қилиши унинг тарбияланмаётганлигини ва жамият учун доимий хавф туғдиришини англатади. Шу сабабли, ҳар бир кейинги жиноят учун таъзир жазоси аввалгисидан кўра қаттиқроқ тайинланган.

Мансаб ва илм эгалари. Жамиятда обрў-эътиборга эга бўлган, қонун-қоидаларни яхши биладиган олимлар, раҳбарлар ёки ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари томонидан содир этилган жиноятлар оддий фуқароларникига қараганда оғирроқ жазоланган. Уларнинг хатти-ҳаракатлари жамиятда ёмон ўрнатилган бўлиши ва аҳолининг адолатга бўлган ишончини сўндириши сабабли ижтимоий хавфи юқори баҳоланган.

3. Жиноятни содир этиш усули

Мужаҳара (очиқчасига жиноят қилиш). Жиноятни яширмасдан, ундан фахрланган ҳолда, жамоатчилик кўз ўнгида содир этиш жамият ахлоқига тўғридан-тўғри таҳдид ҳисобланган ва жазони кескин оғирлаштирган.

Шафқатсизлик ва алдов. Қурбонга нисбатан ўта шафқатсизлик ишлатиш, қийноққа солиш ёки ишончни суиистеъмол қилиб хиёнат йўли билан жиноят қилиш ҳолатлари ҳам қози томонидан оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қайд этилган.

3. Қурбоннинг ҳолати (жабрланувчининг шахси)

Ислом ҳуқуқи заиф ва ҳимояга муҳтож қатламларни алоҳида муҳофаза қилади. Етимлар, бевалар, ёш болалар, шунингдек, ота-онага нисбатан қилинган тажовуз ёки зулм энг оғир қилмишлардан саналиб, уларга нисбатан тайинланадиган дунёвий жазо (таъзир) ҳам максимал даражада кучайтирилган.

Ислом ҳуқуқида мавжуд жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар замонавий жиноят қонунчилиги, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддаси — Жазони

оғирлаштирувчи ҳолатлар билан қиёслаганда бир қатор умумий концептуал ўхшашликларни кўриш мумкин:

Хусусан, такроран жиноят содир этиш иккала тизимда ҳам рецидив хавfli ҳолат сифатида баҳоланади. Жиноятни ўта шафқатсизлик билан содир этиш ҳам фикҳда, ҳам замонавий қонунчиликда жазони кучайтиради. Ҳомиладор аёллар, ёш болалар ёки ожиз аҳволдаги шахсларга нисбатан жиноят қилиш ҳар икки ҳуқуқ тизимида қаттиқ қораланади ва оғирроқ жазоланади. Хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфи юқори баҳоланиши ҳам универсал ҳуқуқий ёндашувдир. Фақатгина макон ва замонга оид муқаддаслик мезонлари дунёвий қонунчиликда ўз аксини топмаган бўлиб, бу ислом ҳуқуқининг диний-ахлоқий табиати билан изоҳланади.

Ислом жиноят ҳуқуқида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар институти чуқур мантиқий ва ижтимоий асосга эга. Ушбу ҳолатлар фақатгина қасос олиш мақсадида эмас, балки жиноятнинг жамиятга етказадиган зарарини объектив баҳолаш, жавобгарликни индивидуаллаштириш ва потенциал жиноятчиларни қатъий огоҳлантириш (превенция) мақсадида шаклланган. Замонавий ҳуқуқ тизимларидаги кўплаб оғирлаштирувчи омилларнинг тарихий илдизлари ва мантиқий асосларини классик фикҳ манбаларида ҳам яққол кўриш мумкин, бу эса мазкур мавзунинг тарихий-ҳуқуқий аҳамиятини янада оширади.

Бугунги кунда ҳам суд томонидан тайинланаётган жазонинг содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавfliлик даражасига, айбдорнинг шахсига ва жиноятнинг қандай шароитларда содир этилганига мутаносиб бўлиши талаб этилади. Мазкур жараёнда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар институти муҳим аҳамият касб этади.

Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деганда — қонунда назарда тутилган, жиноятнинг ёки айбдор шахснинг ижтимоий хавfliлик даражасини оширадиган ҳамда суд томонидан қаттиқроқ жазо тайинланишига сабаб бўладиган индивидуал белгилар тушунилади. Улар қилмишнинг ёки айбдор шахсининг ижтимоий хавfliлигини аниқлаштирувчи объектив ва субъектив омиллар сифатида намоён бўлиб, судга қонун доирасида қаттиқроқ жазо чорасини қўллашга асос бўлади.

Жиноят қонунчилигига кўра, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар жиноят таркибининг мажбурий белгиси ҳисобланмайди. Улар жиноятнинг квалификациясига (моддасига ёки қисмига) таъсир қилмайди, балки фақатгина жазо миқдори ва турини танлашда (индивидуаллаштиришда) суд томонидан ҳисобга олинади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 56-моддасида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар рўйхати келтирилган бўлиб, унга кўра қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

- а)** ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- б)** ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан;
- в)** хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;
- г)** айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан;
- д)** ўта шафқатсизлик билан;
- е)** кўпчилик учун хавfli бўлган усулда;
- ж)** ёш бола ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда;

- з) жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги;
- и) умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- к) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;
- л) ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида;
- м) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан;
- н) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;
- о) мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш. Қонунчиликда белгиланган оғирлаштирувчи ҳолатлар рўйхати қатъий белгиланган бўлиб, ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин эмас.

Ушбу ҳолатлар Кодекс Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

Шунингдек, суд содир этилган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкин.¹

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноят ишларини юритишда ҳамда айбдор шахсларга нисбатан жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган асосий принциплар кўрсатилган бўлиб, Кодекснинг 8-моддасида кўрсатилган **одиллик принципига кўра**, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир – енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Қонуннинг айбдор шахсини эътиборга олиб жазони индивидуаллаштириш тўғрисидаги талаби жиноят содир қилган шахсга ҳуқуқий, ижтимоий-руҳий ва руҳий-жисмоний жиҳатдан баҳо беришни назарда тутди.²

Жиноят ҳуқуқида жазони индивидуаллаштириш принципининг энг муҳим элементларидан бири бу жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни тўғри баҳолашдир. Жазони индивидуаллаштириш ва оғирлаштирувчи ҳолатларни қўллаш масаласи тарихан мутаносиблик принципига бориб тақалади.

Классик жиноят ҳуқуқи мактаби асосчиси Чезаре Беккариа ўзининг машҳур “Жиноят ва жазо тўғрисида” (Dei delitti e delle pene, 1764) асарида шундай ёзади: “Жиноятлар ва жазолар ўртасида аниқ мутаносиблик бўлиши шарт. Жиноятнинг ҳақиқий ўлчови – бу жамиятга етказилган зарардир”³. Беккарианинг ушбу ғоясига таянадиган бўлсак, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида фақатгина қилмишнинг жамият учун хавфлилиқ даражасини объектив равишда оширувчи ёки айбдорнинг ички ғаразли мотивини яққол кўрсатувчи омилларгина эътироф этилиши лозим.

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 22.09.1994 й. // <https://lex.uz/uz/docs/111453>

² Джекебаев У.С., Судакова Р.Н. и др. Криминологические и уголовно-правовые проблемы. Алма-Ата, 1983. 103-бет.

³ Beccaria, C. (1764). On Crimes and Punishments (Dei delitti e delle pene). (Translated by Richard Davies). Cambridge University Press, 1995. - P. 19-21.

Ҳар қандай жиноят учун суд томонидан жазо тайинланар экан, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, қилмишнинг сабаби, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, айбдорнинг шахси ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олиниши лозим.

Адолатли жазо тайинланиши ундан кўзланган мақсадларга — маҳкумни ахлоқан тузатиш, маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қонунчилик тизимини ислоҳ қилиш борасидаги ишларга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур ислоҳотларнинг туб негизида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва халқ фаровонлигига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш масаласи турибди.

Жумладан, бугунги кунда юртимизда ва дунё мамлакатларида жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятларнинг олдини олиш ва уларга нисбатан жазо тайинлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда жиноят-ҳуқуқий соҳада Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва жиноят қонунига киритилган ўзгартиришлар ва жинойий жазоларнинг либераллаштирилиши, ислоҳотлар инсон қадри ва манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширилаётганлигини яққол далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси талабига кўра, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”⁴.

1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин барча қонунлар, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва янги бозор иқтисодёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик давлатнинг қонунлари, шу жумладан, 1994 йил 22 сентябрда Жиноят Кодекси ҳам қабул қилинди. Ушбу Кодекснинг 56-моддасида жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг рўйхати келтирилиб, ўтган 32 йил давомида 2018 ва 2019 йилларда ушбу рўйхат услубий жиҳатдан тўлдирилиб, янги ҳолатлар рўйхатга қўшилмаган.

Бироқ, жамиятнинг шиддат билан ривожланиши, жиноятчиликнинг янги, трансмиллий ва виртуал кўринишлари пайдо бўлиши ушбу институтни танқидий қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3723-сонли Қарори билан тасдиқланган Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида миллий хусусият ва шароитлар, илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни эътиборга олган ҳолда жиноят қонунчилигига хорижий давлатлар тажрибасини имплементация қилиш зарурлиги назарда тутилган.⁵

Шу нуқтаи назардан, жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни такомиллаштиришда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, ушбу институтни ривожлантиришнинг янгича методологик асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 01.05.2023 й. // <https://lex.uz/uz/docs/6445145>.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3723-сон Қарори. 14.05.2018 й. // <https://lex.uz/docs/3735818>

Ушбу соҳадаги хориж амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, Америкалик олим Пол Робинсон ўзининг изланишларида жиноят мотиви ва "Нафрат жиноятлари" (Hate Crimes) айбдорлик даражаси жиноятчининг мотиви билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатиб, нафрат замиридаги жиноятларни алоҳида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолашни таклиф қилади⁶. Немис олими Клаус Роксин ҳам жиноят мотиви айбдорнинг ижтимоий хавфлиги белгилувчи асосий мезон эканлигини уқтиради⁷.

Франция Жиноят кодексига (132-71-модда) ахборот технологиялари тармоғидан фойдаланган ҳолда ёки жабрланувчининг ижтимоий тармоқлардаги заифлигидан фойдаланиб жиноят содир этиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида мустаҳкамланган⁸.

Олинган натижаларни замонавий жиноят ҳуқуқи доктриналари орқали таҳлил қилсак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар тизими асосан анъанавий жиноятларга мослашганлиги ва жиддий модернизацияга муҳтожлиги ойдинлашади.

Замонавий ғарб криминологиясида етакчи ўрин тутувчи «Адолатли жазо» (Just Deserts) назариясининг асосчиларидан бири, швед-америкалик криминолог Андреас фон Хирш (Andreas von Hirsch) ўзининг "Doing Justice" номли фундаментал асарида жазони оғирлаштирувчи ҳолатларга шундай баҳо беради: "Жазонинг оғирлиги қилмишнинг жиддийлигига (seriousness of the offense) қатъий мос келиши керак. Қилмишнинг жиддийлиги эса иккита элемент: етказилган зарар кўлами ва жиноятчининг айбдорлик даражаси орқали ўлчанади"⁹.

Фон Хирш ёндашувидан келиб чиқиб муҳокама қиладиган бўлсак, Ўзбекистон ЖК 56-моддасидаги айрим бандлар қайта кўриб чиқилиши керак. Масалан, маст ҳолатда жиноят содир этишни (ЖК 56-модда, "о" банди) автоматик равишда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаш "Just Deserts" принцигига доим ҳам мос тушавермайди.

Айрим хориж олимлари мастлик шахсининг ўз ҳаракатларини бошқариш қобилиятини пасайтиришини инobatга олиб, уни баъзи ҳолларда жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўришни ҳам таклиф қилишади. Бироқ, АҚШ тажрибасида бу ҳолат фақатгина айбдор қасддан, ўзида жиноят содир этишга журъат уйғотиш мақсадида маст ҳолатга келган бўлсагина оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади.

Юқорида келтирилган хориж олимларининг қарашлари ва илмий таҳлиллар натижаларига таяниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар институтини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилади:

1. Замонавий таҳдидларни акс эттириш: Рақамли технологияларнинг жинoий мақсадларда ишлатилиши кескин ошганини инobatга олиб, ЖКнинг 56-моддасини янги банд билан тўлдириш: "Жиноятни ахборот-коммуникация технологияларидан, ижтимоий тармоқлардан ёки сунъий интеллект дастурларидан ғаразли мақсадларда фойдаланган ҳолда содир этиш".

⁶ Robinson, P. H., & Darley, J. M. (1995). Justice, Liability, and Blame: Community Views and the Criminal Law. Westview Press. - P. 56-59.

⁷ Roxin, C. (2006). Strafrecht. Allgemeiner Teil. Band I: Grundlagen. Der Aufbau der Verbrechenslehre. 4. Auflage, C.H. Beck, München. - S. 112.

⁸ Code Penal - Франция Жиноят кодекси. (Манба: Legifrance).

⁹ Von Hirsch, A. (1976). Doing Justice: The Choice of Punishments. Report of the Committee for the Study of Incarceration. Hill and Wang. - P. 66-70.

2. **Мастлик ҳолатини индивидуаллаштириш:** Мастлик ҳолатида содир этилган жиноятларни фақатгина шахс ўз ихтиёри билан, жиноят содир этиш мақсадида ўзини шу ҳолатга келтирган тақдирдагина оғирлаштирувчи ҳолат деб топиш амалиётини қонуна мустаҳкамлаш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Олий суд Пленуми қарорларида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги кўрсатилган бўлсада, қилмишда оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда жазо тайинлашнинг **аниқ мезонлари кўрсатилмаган** ва бу судьяларнинг субъектив қарашларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Шунга кўра, агар оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд бўлса ва енгиллаштирувчи ҳолатлар бўлмаса, жазо муддати энг юқори санкциянинг **2/3 қисмидан** кам бўлмаслигини белгилаш таклиф қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар тизимини хорижнинг илғор илмий ютуқлари ва мутаносиблик принциплари асосида модернизация қилиш Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизими адолатлилигини янада оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 01.05.2023 й. // <https://lex.uz/uz/docs/6445145>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сонли Фармони, 16.02.2026 й.. // <https://lex.uz/uz/docs/6600413>
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 22.09.1994 й. // <https://lex.uz/uz/docs/111453>
4. Қодиров А. “Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар.” Тошкент, –Адолат, 1998 й., 23-бет.
5. Джекебаев У.С., Судакова Р.Н. и др. Криминологические и уголовно-правовые проблемы. Алма-Ата, 1983. 103-бет.
6. М. Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик Олий ўқув юртлари учун. Т., “Янги аср авлоди”, 2010, 468-бет.
7. Beccaria, C. (1764). On Crimes and Punishments (Dei delitti e delle pene). (Translated by Richard Davies). Cambridge University Press, 1995. - P. 19-21.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори. 03.02.2006 й. // <https://lex.uz/docs/1455976>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон Қарори. 14.05.2018 й. // <https://lex.uz/docs/3735818>
10. Robinson, P. H., & Darley, J. M. (1995). Justice, Liability, and Blame: Community Views and the Criminal Law. Westview Press. - P. 56-59.
11. Roxin, C. (2006). Strafrecht. Allgemeiner Teil. Band I: Grundlagen. Der Aufbau der Verbrechenslehre. 4. Auflage, C.H. Beck, München. - S. 112.
12. Code Pénal - Франция Жиноят кодекси. (Манба: Legifrance).
13. Von Hirsch, A. (1976). Doing Justice: The Choice of Punishments. Report of the Committee for the Study of Incarceration. Hill and Wang. - P. 66-70.